

Тирик, маърур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!

2023 йил — Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!



# ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 27 май № 20 (8462)

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАРГА ТАБРИГИ

Қадрли мактаб битирувчилари!

Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, мустақил ҳаётга — умрингизнинг янада гўзал ва масъулиятли босқичига қадам қўяётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим даргоҳларида “сўнги кўнғирок”лар янграб, қадрдон мактабингиз, меҳрибон устозларингиз билан хайрлашув тадбирлари ўтказилаётган ушбу қувончли ва ғоят хаяжонли дамларда ҳаммангизга келгуси ҳаётда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Умид ва ишонч рамзи бўлган етуклик шаҳодатномалари барчангизга муборак бўлсин!

Азиз болаларим!

Бу йил республикаимизда 390 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз — бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.

Албатта, бүгун юртимизда мактаб битирувчилари билан бирга уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар учун ҳам унутилмас кундир. Ушбу қувончли айёмда уларни ҳам чин дилдан қўллаб, барчасига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Сўнги йилларда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда қукур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Биргина ўтган йилда 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз қўлга киритган медаллар сони 3 баробар, минтақавий олимпиадаларда эса қарийб 2 баробар кўпайгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 900 мингдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган жонқуяр ўқитувчилар, устоз-мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси асосида мактаб таълими учун ўқув дастури ва дарсликлар янгиланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилгани муҳим қадам бўлди.

Юртимиздаги барча мактаблар юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланиб, локал тармоқ ҳамда Wi-Fi ускуналари ўрнатилди.

Шунингдек, ҳозирги нотинч замонда фарзандларимизни юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кенг кўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кучайтириш, уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғрисида янада фаол жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Азиз фарзандларим!

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикаимизда фаолият кўрсата-



Битирувчи-2023

## БИЛИБ ҚЎЙКИ, КЕЛАЖАК СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА!



Битирувчи! Ўсмирликни ортда қолдириб, катта ҳаёт сари қадам ташлаётган йигит-қизлар чексиз орзу-ниятлар оғушида давлат имтиҳонларига тайёрланмоқдалар. Небахтки, таълим сифати йўлида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида ҳам дастлабки “мева”ларини бера бошлади. Бу

йил ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг туманимиздаги мактаби, бошқа ИДУМИ ҳамда умумтаълим мактабларининг 11-синфини битираётган 2250 нафар ёшлар ҳар бирининг қалбида олий, ўрта махсус, касб-хунара мактабларига кириш, танлаган касб-хунари ордидан жамиятга

наф келтиришдек мақсад жўш урмоқда. Қувонарлиси, битирувчиларнинг 12 нафари муддатидан илгари Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия давлатларидаги энг нуфузли олий таълим муассасаларининг талабасига айланиб улгурди (газетамизнинг келгуси сонида улар ҳақида батафсил ёритамиз).

Суратларда: агентлик ҳамда янги бинога кўчиб ўтиб, таълим-тарбия жараёни бугунги талаб даражасида ташкил этилаётган 15-умумтаълим мактабларидаги битирув кечасидан лавҳалар. Агентлик мактабининг битирувчилари; фарзанди ордидан ҳокимнинг Ташаккурномасини олишдан ҳам саодатлироқ он борми?!

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ  
олган суратлар.

## ҚЎШТЕПАЛИК ОНАЛАР ЭЪТИРОФИ



Хабарингиз бор, вилоятимизда бир ой давомида маҳаллалар, ташкилот ва муассасалар, кейинги босқичда туман миқёсида “Оналарга эҳтиром” фестивали доирасида мунис ва табаррук оналар эъзозланиб, уларнинг кўнгиллари кўтарилди. Қатор номинациялар бўйича ўн нафар голиблар аниқланиб, фестивалнинг вилоят босқичига йўлланма берилди. Қўштепалик оналарнинг икки нафари — “Барот” маҳалласида истиқомат қилаётган Шаҳодатхон Пармонова “Энг матонатли она” ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Ёркиной Қосимова (суратда) “Оналарга эҳтиром мавзусидаги энг таъсирчан ролик” йўналишларида вилоят ҳокимининг иккинчи даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

Давоми 2-бетда

УШБУ

2

\* Савдо айланмалари — ўсиш босқичида

СОНДА:

\* Олий судни бошқарган биринчи аёл

3

\* Бизнинг суҳбат: фарзандингиз мусиқага қизиқадими?

4

Сабоқ бекати  
\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Дунёнинг мумтоз файласуфлари

## ТАБРИКНИНГ ДАВОМИ

ётган 162 та олий ўқув юрти, кўплаб касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етук кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади.

Шунингдек, 78 та олий таълим муассасасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот олиш ҳамда масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан бу йил 38 фоизга етказилди.

Юртимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногирон болалар учун профессионал таълим тизимида алоҳида имкониятлар яратилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2020-2021 ўқув йилида коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 1157 нафар, 2021-2022 ўқув йилида эса 1433 нафар ўқувчи қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Аминман, сизлар ана шундай имкониятлар асосида етук мутахассислар бўлиб, келгусида юртимиздаги замонавий кластерлар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта қурилишлар, фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маданий ва ижодий жамоаларда иш бошлайсиз ва Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга албатта муносиб ҳисса қўшасиз.

Мухтасар айтганда, мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлади. Бу борада жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ота-оналар ва устозларингиз билан биргаликда сизларга яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади.

Мана шундай шуқуҳли онларда сиз, азиз фарзандларимни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаб, ҳаётингизда дастлабки муҳим довондан ошганингиз билан яна бир бор табриклайман. Ҳеч қачон унутманг, келажакда сизни янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва салоҳиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган чўққиларга албатта эришасиз.

Барчангизга ишда ва ўқишда, шахсий ҳаётда катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг! Интилиб, изланиб яшашдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**Мамлакатимизда охириги йилларда тadbиркорликни ривожлантириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тadbислохотлар, қулай инвестицион шароитнинг яратилиши туфайли иқтисодий соҳада жадал ўсиш кузатилаётгир. Жумладан, улгуржи ва чакана, ташқи савдо айланмаси миқдори сезиларли ошиб бормоқда.**

Биргина чакана савдо соҳасини оладиган бўлсак, мамлакат бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида қайд этилган 59 триллион сўмлик айланма 2022 йилнинг январ—март ойларига нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Таркибий қисмлари 82,8 фоиз кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, 17,2 фоиз йирик корхоналар ва 10,5 фоизи уюшмаган савдо ҳиссасига тўғри келган бу кўрсаткич бўйича пешқадам ҳудудлар Тошкент шаҳри, Фарғона ҳамда Тошкент вилоятлари бўлиб, вилоятимизда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,7 фоиз чакана савдо товар айланмасининг кўпайиш суръатлари кузатилган.

Илғор тажрибаларга таянган ҳолда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида савдо айланмалари ҳамда экспорт салоҳияти тобора ўсиб бораётган юртимизда бундай ривожланиш манзараларини ҳар бир гўшада кўриш мумкин. Жумладан, яқин ўтмишда саноат ишлаб чиқариш даражаси жуда паст ҳисобланган

## Рақам ва далиллар

# САВДО АЙЛАНМАЛАРИ—ЎСИШ БОСҚИЧИДА



туманимизда бу борада бутунлай янгиланган, сифатли тизим ташкил этилди. Бевосита фактларга мурожаат этсак, фикримиз янада аниқ ифодасини топади.

Статистиканинг реал маълумотларига кўра, жорий йил январ-апрел ойлари давомида туманимизда 694 та савдо корхона ва ташкилот рўйхатдан ўтган бўлиб, ундан 523 та савдо корхоналари ҳозирда фаолият кўрсатмоқда ва 26 таси янги ташкил этилди. Шунга кўра, туман бўйича чакана савдо товар айланмаси 177,3 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 101,0 фоиздан иборатдир. Шундан йирик савдо ташкилотлари томонидан 3,4 миллиард, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари томонидан 173,9 миллиард сўмлик чака-

на савдо айланмаси амалга оширилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, туман бўйича ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо товар айланмаси 868,5 минг сўмни ташкил этди. Уюшмаган савдо айланмаси ҳажми 35,2 миллиард сўмга тенг бўлиб, шундан деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо айланмаси 22,9 миллиард ҳамда паррандалар ва чорва моллари сотувчи жисмоний шахсларнинг савдо айланмаси 12,3 миллиард сўмга тенглашди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми ҳам юқоридагиларга ҳамоҳанг равишда ўсиб бормоқда: бу кўрсаткич ўтган даврда 1,7 миллиард сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан

103,4 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Автотранспорт воситалари эҳтиёт қисмлари улгуржи ва чакана савдо айланмаси етганлигини ҳам алоҳида белгилаб ўтиш жоиз.

Улгуржи савдо айланмасига тўхталадиган бўлсак, унинг ҳажми 45,4 миллиард сўмга тенг бўлиб, ўтган йилдаги шу даврга нисбатан 109,4 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

Жорий йил январ-апрел ойлари ҳолатига туманимизнинг ташқи савдо айланмаси 30,4 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 138,6 фоизга бажарилди. Бунда экспорт ҳажми 20,3 миллион ва импорт ҳажми 10,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Юқорида акс этган савдо соҳасидаги ўсиш суръатлари қишлоқларимиз инфратузилмасининг яхшиланиши, туманимиз аҳолисининг турмуши фаровонлашувига замин бўлаётгани қувонардир. Бугун мустақил давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг негизи ҳам аслида инсон кадрини улғушлаш, одамларнинг яхши ҳаёт кечиришларини таъминлашдир.

**Элмурод АБДУКАРИМОВ,**  
туман статистика бўлими  
бошлиғи.



## Биласизми?

# ОЛИЙ СУДНИ БОШҚАРГАН БИРИНЧИ АЁЛ

*Жаҳон тарихи аёл зотининг жасорати ва матонати ҳақидаги мисолларга бой. Шарқ аёллари инчунун, ижтимоий-сиёсий жабҳада пешқадамлиги, эркаклардан қолишмайдиган журъати билан довруғ таратган аёллар ҳақида ўқиб, беихтиёр фахрланасан. Эътиборлиси, дунёда биринчи марта Олий судни бошқарган аёл ҳам ўзбек аёли бўлган. Бу—ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби Хадича Сулаймоновадир.*

У 1913 йилда Андижонда тавваллуд топган.

Юрт кезиб юриб ўзбек, қирғиз, тожик, туркман ва рус тилларини мукамал ўзлаштирган отасининг бу қобилияти ҳақида онасидан кўп бор эшитган Хадича ҳам кўп тил билишни, жамиятда мустақам ўрин эгаллашни ният қилади. Афсуски, отаси эрта вафот этади, сўнг онаси ишлаб, муаллималикка, ўқиб фарзандларини оёққа турғизади.

У даврларда ўзбек заминда вазият мураккаб эди. 1929 йилда Марғилонда Нурхон улдирилганлиги юзасидан очиқ суд бўлиб ўтади. Судда Фарғона водийсидан келган кўплаб одамлар иштироқ этади. Улар орасида ун етти ёшли Хадича Сулаймонова ҳам бор эди. Ушанда қораловчи аёлнинг нутқидан таъсирланган Хадичанинг

қалбида узун столда ўтирган саботли ва қаттиққўл судьялардек бўлиш иштиёқи туғен уради.

Болаликда кўп қийинчиликлар куриб тобланган қиз 1931 йилда мактабни тамомлаб, юрист бўлиш мақсади сари дадил интилган ҳолда Совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтининг тайёрлов курсига киради. У ерда бир йил таҳсил олгач, ўқишни Тошкентда эндигина ташкил этилган Жаҳон Обидова номидаги Совет институтининг ҳуқуқ факултети иккинчи курсидан давом эттиради.

Хадича Сулаймонова талабалик йиллари давомида ўқув материалларини мутолаа қилиш билан чегараланиб қолмай, ҳуқуқ фанига оид наشرдан чиққан ҳар бир китобни қайта-қайта ўқиб ўрганарди. У аввалдан ҳуқуқ соҳасининг энг му-

раккаб-жиноят ҳуқуқи мутахассиси бўлишни аниқ мақсад қилиб танлаган эди. Уша даврда бу ҳол аёл киши учун жуда катта жасорат ҳисобланарди.

Институтни тамомлагандан сўнг халқ судьяси бўлиб ишлаш бошлади. 1935 йилнинг охирида эса у Республика Олий суди аъзолигига сайланади. Иигирма икки ёшида шунчалик юксак ишончга сазовор бўлиши барчани ҳайратга солди ва бу ҳодиса тарихга мангу муҳрланди.

Кейинчалик Москва юридик институтида аспирант бўлди, 1945 йилда диссертациясини ҳимоя қилиб, Тошкентга ҳуқуқшунослик фанлари номзоди сифатида қайтиб келди. У ҳуқуқшунослик соҳасида

биринчи мартаба илмий даража олишга сазовор бўлган ўзбек аёли эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонини олди, Республика Адлия вазири бўлиб ишлади. Ваниҳоят, Хадича Сулаймонова 1964 йил апрелда Ўзбекистон Олий суди раиси этиб сайланди. Бунга қадар дунёнинг ҳеч қайси давлатида бундай лавозимга аёл киши сайланмаган эди!

Ҳа, бу ишонч демократия ватани ҳисобланадиган АҚШ ёки Европа давлатлари аёлларига эмас, ўзбекистонлик аёлга насиб этиши катта ютуқ эди ва шундай бўлиб қолади. Тошкентдаги суд экспертизаси илмий текшириш институти (ҳозирги Республика суд экспертиза маркази)га Хадича Сулаймонова номи берилган. Халқимиз унинг суд соҳасига, аёл ҳуқуқлари ҳимоясига қўшган улкан ҳиссасини ҳеч қачон унутмайди.

**Нигора АЛИЖОНОВА,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
2-босқич талабаси.  
Қоражийда қишлоғи.

Тузатиш: газетамизнинг ўтган сони 2-бетдаги "Сендайин бе-миннат қайда бор яна?!" сарлавҳали мақола суратости матни "Бахтиёржон Рўзиохунов томонидан тасвирга туширилди" деб тузатиб ўқилсин. Йўл қўйилган хато учун муштарийлардан узр сўраймиз.

Бизнинг суҳбат: фарзандингиз мусиқага қизиқадими?

# ФЕЪЛ-АТВОР МУВОЗНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ КУЧ

*Сарлавҳани ўқиб, ҳар қандай одам феъл-атвор муносабатини тартибга соладиган куч нимада экан, дея қизиқиши табиий. Ҳуқук, фалсафа, тил билими, мусиқа назарияси ҳақида қўлаб асарлар битган буюк файласуф Абу Наср Форобий шундай ёзди: “Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимки феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради”. Дарҳақиқат, мусиқа илмида ажиб илоҳий қудрат мужассамки, у инсон руҳиятини тарбиялаб, онгида ижодий фикр уйғотади, қалбида эзгу ниятларни жўш урдиради.*

Эшитишимизча, қадим Афинада бирор бир мусиқа асбобини чала билмаган одамни етакчиликка тавсия этмаган эканлар. Мусиқани идрок эта оладиган одам мушкулотлар ечимини топадиган, одамларни тўғри тушунадиган бўлади, деган фикр шакланган экан уларда, балки ҳозир ҳам шундайдир. Ўқув йили поёнига етаётган пайтда вилоят маданият ва туризм бошқармаси тасарруфига қарашли туманимиздаги ягона мусиқа ва санъат муассасаси директори Расулжон ТОҶИБОЕВ билан қилган суҳбатимиз ёшлар тарбиясида мусиқа ва санъатнинг ўрни, эришилган натижалар, дуч келинаётган муаммолар, уларнинг ечими ҳақида борди.

**—Расулжон, суҳбатимизни буюк бобомиз Форобийнинг фикрига муносабатдан бошласак. Ҳақиқатан ҳам мусиқа феъл-атвор мувозанатини тартибга сола оладими?**

—Форобий бобомизнинг “Фалсафага кириш”, “Сиёсат ва маданият”, “Рисолаи мусиқий” ва бошқа асарларидаги ғоялар бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмаганига тан бермай бўлмайди. У кишини бекорга Аристотелдан кейинги иккинчи муаллим, деб атамаганлар. Бутун умрини мусиқа ва санъатга бағишлаган бир инсон сифатида айтаманки, бобомизнинг фикри исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Болалар орасида мусиқага қизиқмайдигани кам бўлади. Фақат буни биз, катталар англай олмаимиз ёки англашни истамаймиз. Менга қолганда, қани эди улғайиб келаётган ҳар бир ўғил-қиз мусиқага ошно этилса. Ана шунда уларнинг феъл-атворларида мувозанат бузилмасди. Тажрибада кузатганимдан келиб чиқиб айтаманки, мусиқа ва санъатга қизиққан болалар интилиши, фикрлаши, маданияти билан бошқалардан бир қадар фарқ қилади. Бежиз санъат ва маданиятни кенг қулоч ёйган беш ташаббуснинг бир қисми қилиб белгиламаганлар.

**—Мақтаб фаолият бошлаганига ўн йилдан ошди. Сиз раҳбарлик қилаётганингизга ҳам деярли шунча бўлиб қолди. Тўғриси, ўтган йили бир тадбирда ўқувчиларин-**



лаган шароитлардан кўнгли тўлади. Тумандаги катта бир тадбирда болаларимизнинг оркестрдаги ижросини кўрган ўша пайтдаги вилоят ҳокими Шўҳрат Фаниевнинг ҳиммати ортидан 35 миллион сўмлик замонавий мусиқа асбоблари олиб берилди. Бу, мусиқанинг, маҳоратнинг қудрати, албатта! Эътибор ва қўллаб-қувватлаш жамоамизга ҳам, ўқувчиларимизга ҳам катта рағбат бўлди.

**гизнинг ижро маҳоратини кўриб, қойил қолгандим. Ҳозиргина фортепианода Азаматжон Ражабовнинг ижроси ёзиб олинган видеони кўйиб бердингиз, кўзларимга ёш келди: қишлоқларда ҳам шунчалик маҳоратли болалар бор экан-да!**

—Мусиқа ва санъат мактабларига эътибор охириги йилларда кучайди, дастлаб халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик, дамли ва зарбли чолғу ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат ҳамда хореография сингари бешта йўналишда сабоқ берилган мактабимизда эндиликда фортепиано, театр, эстрада ва анъанавий хонандалик каби жами тўққиз йўналишда санъат сирлари ўргатиляпти.

Юқорида айтдим, мусиқага, санъатга қизиқмаган бола деярли бўлмайди. Ҳамма гап буни илғашда ва ота-она, устозлар томонидан болани йўналтира билишда. Хабарингиз бор, туманимизда узоқ йиллар бундай мактаб бўлмаган, қизиққан болалар шаҳардаги муассасаларга боришарди. Бугун мактабимизда бўлган одам яратиб бери-

эгаллаганди. Қизимизнинг ютуқлари ҳақида газетангизда ёритгансизлар. Ҳозирда Назокат Фарғона санъат коллежида таҳсил оляпти. У мактабимизга яхши мутахассис бўлиб қайтади, деб умид қиламиз.

Дўрмондаги 10-мактаб ўқувчиси Озодахон Ҳасанова Москвада ўтган Халқаро танловда фортепиано бўйича, бешкапаллик Илёмбек Мухторов, Алимбек Қурбоналиев, Мўхаммадали Мўхаммаджоновлар эса дамли ва зарбли чолғулар бўйича (жамоавий) биринчи ўринни эгаллаганларидан фахрланмай бўладими?!

Халқаро танловлардаги бу ўқув йилидаги натижаларимиз ҳам тилга олса арзигулик бўлди. Санкт-Петербургда ўтказилган Халқаро “Престиж” танловида 20-мактабдан Беҳрузбек Расулжонов, 9-мактабдан Бобурбек Султоновлар қашқар бўлиб олганда,



30-мактабдан Лазизбек Маъмуров эстрада йўналишидаги чиқишлари билан ҳайъатни лол қилди ва биринчи ўринни эгалладилар. Бу, албатта уларнинг устозлари Абдурашид Умаржонов ва Исломжон Абдуллаевларнинг машаққатли меҳнатлари мевасидир.

Янгидўкондаги 15-мактаб ўқувчиси Азаматжон Ражабов мактабимизнинг 7-битирувчи синфида сабоқ оляпти ва у чин маънодаги фахримиздир. Ўтган йиллар давомида у Сохибахон Шерматова синфида маҳорат сирларини кунт билан эгаллади ва Халқаро танловлар ғолиби бўлди. Видеосини кўрсатиб мақтанганим шу ўқувчимиз бўлади. Бобоси ҳам, отаси Комилжон Ражабов ҳам шу чолғунинг билимдон устаси бўлгани учунми, унинг қўлида пианино сайраб кетади. Хорижлик буюк композиторлар асарларини ҳам қойиллатиб ижро этади. Унинг тимсолида машҳур пианистни кўраман-да.

Мамлакатимиз миқёсидаги “Ёш иқтидорлар-2023” беллашувларида ҳам Шерали Ну-

ралиев, Исмаилло Акбаров сингари 1-,3-синф ўқувчиларимиз ўз йўналишлари ва ёш тоифаларига кўра, ғолибликни қўлга киритдилар. Шогирдларимизнинг устозлари ёрдамидаги интилишларини кўриб туриб, қани энди ҳар бир ота-она боласининг санъатга меҳрини ошириб борса. Балки улар келажакда соҳа мутахассиси бўлмас, аммо ҳаётдан ўз йўлини топиб, Фаробий бобомиз айтганларидай, феъл-атворини тартибга солиб олишда илоҳий мусиқа, санъат ёрдам берарди, деган фикр ўтади.

**—Расулжон, муассасада ҳаёт жўшқин, натижалар қувонарли, айтганингиздай, ҳар йили туман ҳокимининг ёрдами билан шу йўналишга ўқишга кираётган беш нафар боланинг тўлов-контракт суммаси тўлаб берилган бўлса, нима учун 150 ўринли мактабда 111 бола таҳсил оляпти? Бу, учдан бир имконият бой берилди дегани-да.**

—Мени қийнаётган муаммони кўтардингиз. Бунинг объектив сабаби бор. Мактабимизга туманнинг шаҳарга яқин жойларидан қатнаш истагида бўлган ўқувчилар жуда кўп. Аммо болаларга иккидан транспортга чиқиб бориб-келиш ота-оналар учун ҳам моддий қийинчилик, ҳам хавотирлик туғдирыпти. Ҳафта-сига уч кун қатнаш учун йўл харажатлари, ойига 60-90 минг сўмлик взнос тўловларидан ҳам ортиб кетяпти.

Ҳолатнинг ўзи 150 болага ажратилган ресурслардан самарали фойдаланиш учун, туманнинг аҳоли зич қисми—Эшонгузар ёки Сармозор ҳудудида филиал очиш заруратини юзага келтиряпти. Қаловини топса, қор ёғади, дейдилар-у. Бир сменада ўқитиладиган катта мактаблардан филиал учун жой ажратилса, муаммоимиз ҳал бўларди. Бу ҳақда таклифларимизни билдирганимиз, яна билдирмоқчимиз. Ахир гап келажакимиз эгалари иқтидорини тарбиялаб бориш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, энг асосийси, эзгулика ошно этиш орқали буюк файласуф айтганларидай, феъл-атвори мувозанатини тартибга солиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳақида бораяпти-ку!

**—Тез орада муаммо ҳал этилиб, мусиқа ва санъатга интилган болаларимиз сафи кенгайди, ютуқлар янада мустаҳкамланади, деган умиддамиз. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Жамоангиз ва ўқувчиларингизга интилиш ва омад тилаймиз.**

—Тилаклар учун сизга ҳам раҳмат.  
**Ҳадичахон КАРИМОВА суҳбатлашди.**

**Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан**



Илм талаб қилиш Аллоҳнинг ҳузурда намоз, рўза, ҳаж ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир.

**Дайлабий ривояти.**

Кулги икки хил бўлади. Бирини Аллоҳ яхши кўради. Иккинчисини Аллоҳ ёмон кўради. Аллоҳ яхши кўрадигани—бир киши янги танишган дўстини кўрганида юзига қараб хурсанд бўлиб кулса, Аллоҳ ёмон кўрадигани—бир киши кулдириш учун ботил сўзни гапирса, ўша сабабли жаҳаннамга етмиш йил шўнғийди.

**Ҳасан Басрий (раҳимахуллох) мурсал ҳолатда қилган ривоят.**

Бирор жойинг оғриси, ўнг қўлингни ўша ерга қўйиб, етти марта суртиб, ҳар суртишда ушбу дуони ўқи: "Аъзи биъззатиллаҳи ва қудротихи мин шарри ма ажду". (Яъни: Аллоҳнинг азизлиги ва улуғлиги ила ўзимда топилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман).

**Усмон ибн Абул Ос Сақафий (розияллоху анху) дан Табароний ривояти.**

Сукут қилиб, гапирмаслик хулқларнинг энг саййидидир. Ким мазаҳчи бўлса, унга паст назар билан қаралади.

**Анас (розияллоху анху) дан Дайлабий ривояти.**

Намозни видолашувчи каби ўқи. Аллоҳга у Зотни кўриб тургандек ибодат қил. Агар сен У Зотни кўрмаётган бўлсанг, У Зот сени кўриб турибди. Одамлар қўлидаги нарсдан беҳожат бўл, ўшанда бой яшайсан. Узр айтиладиган нарсдан четлан.

**Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан Ибн Нажжор ривояти.**

Шаҳидлар беш тоифадир: 1. Вабо сабабли ўлган. 2. Қорни оғриб ўлган. 3. Сувга фарқ бўлиб ўлган. 4. Уй остида қолиб ўлган. 5. Аллоҳ йўлида вафот этган.

**Абу Хурайра (розияллоху анху)дан Бухорий ва Муслим ривояти.**

Суннат икки хил бўлади: 1. Фарз ичидаги суннат; 2. Фарз бўлмаган суннат. Фарз ичидаги суннатнинг асли Аллоҳнинг Китобидадир. Уни ушлаб, амал қилиш ҳидоят, тарк этиш эса, залолатдир. Асли Аллоҳнинг Китобида бўлмаган суннатга амал қилиш фазилат, уни тарк қилиш эса хато ҳисобланмайди.

**Табароний ривояти.**

"2002 ҳадис"дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). "Мунир" нашриёти. Тошкент—2022 йил.

# Saboq bekati

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур. Алишер НАВОЙИ.

**Аҳли дониш дейдиларки...**

## БОЛАЛАР—ЖАМИЯТНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим.

**ЮВЕНАЛ**

Оила фарзандлардан бошланади.

**А. И. ГЕРЦЕН**

Дунёда гўдакнинг тилидан кўра тантаналироқ гимн йўқ.

**В. ГЮГО**

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

**Н. И. НОВИКОВ**

Болалар—жамиятнинг ҳаётбахш кучи. Уларсиз жамият жонсиз ва совуқ кўринади.

Болангизни у билан гаплашаётган, бирор нарса ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётганингиздагина тарбиялаялман, дея ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир соңиясида тарбиялаб борасиз. Сўзингиз оҳангидаги зигирдек ўзгаришни ҳам бола сезиб ёки ҳис этиб туради, фикрингиздаги озгина бурилиш ҳам кўринмас йўллар билан болангизга етиб турадики, буни узингиз сезмай қоласиз.

Болаларни ўстириш ва тарбиялаш улкан, жиддий ва ҳаддан ташқари масъулиятли ишдир.

**А. С. МАКАРЕНКО**

Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак.

**У. ЧЭННИНГ**



Битирувчи - 2023

Болалар олами учун ва истаган ёшдагилар учун ҳам ғоятда зарур бўлган битта ахлоқий сабоқ борки, у ҳам бўлса ҳеч кимга ёмонлик қилмасликдир.

Болаликка болалик онларида пишиб етилиш имконини беринг.

Агар сиз болаларнинг шўхликларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларни дунёга келтира олмайсиз.

Болани ақлли ва мулоҳазали қилмоқ учун уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли, у ишласин, тинмасин, югуриб-елсин, бақир-чақирсин, ишқилиб, доимий ҳаракатда бўлсин.


**Ж. Ж. РУССО**

"Тафаккур гулшани"дан. **Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1989 йил.**

**Дунёнинг мумтоз файласуфлари**

## ДЕМОКРИТ

(Милоддан аввалги 460-360 йиллар)



**Ҳаёти...**

Қадимги юнон файласуфи Демокрит Абдера шахрида туғилиб ўсди. У бадавлат оиланинг фарзанди эди. Аммо бойликдан кечиб, бутун умрини камбағалликда ўтказди. Бор умрини донишсеварликка бағишлади. Миср, Эрон, Ҳиндистон, Ҳабашистонга саёҳат қилган.

Демокрит шаҳар ташқарисида жойлашган ер остидаги сағанада кечаю кундуз тинмай ижод билан машғул бўлган.

У элликка яқин асар ёзиб қолдирган. "Инсон табиати тўғрисида", "Ғоялар ҳақида", "Мақсад ҳақида" ва бошқалар шулар жумласидандир. Пифагорнинг ўғли Аримнест Демокритнинг устози бўлган.

**...Ҳикмати**

Эзгулик адолатсизлик қилмасликига эмас, уни истаслиққа ҳамдир.

\*\*\*

бошли шаҳарларга ҳокимлик қилиш баробарида аёлнинг кулига айланадилар.

Мардлик тақдир зарбаларини писанд этмайди.

Бу оламда ҳеч нарса чинакам эмас, ёхуд чинакам нарсаларни биз илғай олмаемиз, —дейди Демокрит.

Бахт яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

Очиқ-ойдин сўзламоқлик—озод руҳнинг сифатидир. Бироқ уни бевақт ижро этиш хатарли.

Ўзгалар устидан ҳукмронлик даъво қилувчи одам, аввало, ўзини бошқара билмоғи лозимдир.

"Ҳақиқат манзаралари"дан. **"Янги аср авлоди" Тошкент—2002 йил**

**Мутахассис минбари**

Биламизки, ҳар бир инсонда ички ва ташқи олами мавжуд. Ташқи олами бизга кўринадиган чиройи, феъл-атвори, муомала, кийиниш маданияти акс этади. Ички олам деганда биз инсоннинг қиёфасига эмас, унинг қалбига, ҳис-туйғулари, дунёқарашини, яшайдан асл мақсади нима эканлигига эътибор бермоғимиз зарур бўлади. Шунчаки кўзга ташланмайдиган ички олам унинг маънавиятидир.

## МАЪНАВИЯТ—БУ...

Ички дунё, яъни маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У тарбия орқали, дунёқарашни шакллантириш, ўрни келганда, ўзини тутта билиш ва ҳоказо фазилатлар орқали юзага чиқади. Бу қандай қилинади? Келинг, оддийгина бир фикрлаш деган неъматдан саволимизга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Инсоннинг маънавиятига унинг дунёқарашини ҳам бевосита боғлиқ экан. Дунёқараш қандай шаклланади?

Кенг дунёқарашга эга бўлмоқнинг ўнлаб омиллари бор. Булар—илм ва билимга, маърифатга интилиш, китобхонлик, саёҳат ва ҳоказолар. Маънавиятли инсон нима яхши, нима ёмон, бу ишни қилса натижа қандай бўлиши мумкин, қандай қилса, яхши яшайди, яхши яшашнинг ўзи нима дегани, каби саволларга соғлом фикр ила жавоб бера олади. Ҳар бир одам ёшлигидан шахсий маънавият масаласи-

га жиддий эътибор қаратиши, уни юксалтириб бориши жуда муҳим. Жамиятда, демократияда ўз ўрнини топишида маънавий қарашларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини унутмаган одам келажақда ҳеч қачон ўтаётган умридан афсусланиб қолмайди. Маънавият бу—одамий бўлиб яшамоқнинг мезонидир.

**Баҳодиржон МАМАДАЛИЕВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси мутахассиси.**

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножиоз ерларга ташлананг!